*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 31 май • сешанба № 21 (1017)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Мулоҳаза учун мавзу

"Тармоқ"лардаги "қармоқ"лар

Уларга илинаётган айрим ёшлар хусусида

4

Ифтихор

# Болаларнинг бегонаси йўқ

**ИСТИҚЛОЛНИНГ илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш давлатимизнинг энг муҳим, долзарб масаласига, "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт"лиги шиорга айланди.**



Бу борада олиб борилаётган кенг қамровли ишларимиз дунёнинг етакчи мамлакатларига андаза, халқаро эътирофга сазовор бўлаётганлигини фахр-ифтихор билан қайд этиш лозим.

Башарият тақдири юксак техник тараққиётга эришиш, у ёки бу сиёсий кучларнинг ривожига эмас, фақатгина ер юзидаги ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига боғлиқ. Дунёга инсонийлик моделининг муаллифи сифатида танилган австралиялик Герман Гмайнерга тегишли ҳикматомуз бу сўзлар Ўзбекистон давлатининг баркамол авлод буюк келажак пойдевори деган устувор йўналишига ҳамоҳанг десак, хато бўлмас. Азалдан ўзбек халқи болажон, эзгуликка ҳамиша эш. Инсоният тарихидаги энг оғир дамларда ҳам охирги бурда нонини ўзгалар, болалар билан бўлишган халқ. Болаларнинг бегонаси бўлмайди, деган нақл балки ўша йилларда яралган бўлса, не ажаб.

Маълумки, меҳр-муҳаббат, мурувват ва ғамхўрлик кишилик жамиятининг ҳимояга муҳтож заиф қатлами бўлган болаларнинг энг зарур ҳаётий эҳтиёжлари сирасига киради. Дунёдаги ҳар бир бола бахтли бўлишга ҳақли. Бу борада ўзбекистонлик болаларга ҳавас қилса арзийди.

2

Муносабат

# Миллатимизнинг теран томири

**ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг жорий йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони халқимиз ҳаётида ўта муҳим тарихий воқеа бўлди.**

Дунёда эллар кўп, элатлар, миллатлар кўп. Ҳар бир халқ, миллат миллий қадриятлари, ўз она тили билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан ҳам тил халқнинг, миллатнинг асосий белгиларидан бири, адабиёт эса инсон руҳиятининг маънавий озуқаси дейишади.

Она тили ва адабиёт инсон камолотида бетакрор ўрин тутувчи эзгу фазилатлар, юксак туйғулар манбаи ҳамдир. Ёруғ дунёда кўз очиб, эшитадиган энг ширин, энг эзгу калом она алласи она тилимизда янграйди. Шу тил орқали ҳаётий зарур бўлган билим ва тушунчалар онгу шууримизга сингади, инсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, тафаккуримиз тил воситасида шаклланади, ривожланади. Юртбошимиз она тилининг бу борадаги аҳамиятини таърифлаб, шундай дейди: **"Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар".**

Дарҳақиқат, тил ва адабиёт — бой тарихимиз, ҳаётбахш қадриятларимиз, дину диёнатимиз, аждодлар меросини келажак авлодга етказувчи восита, таъбир жоиз бўлса, ўсиб келаётган ёш авлод учун ўзига хос маънавий-ахлоқий тарбиявий мактаб ҳамдир.

Ҳар биримиз болалигимизда неча юз йиллар, асрлар оша, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган халқ достонлари, эртаклар, лапар ва ўланлар, ҳикматли нақлларни боболаримиз ва момоларимиздан эшитиб улғайдик. Шу аснода қалбимизда жасорат, фидойилик, она заминга меҳр-муҳаббат, элу юртга садоқат каби инсоний туйғуларни англадик. Алпомишнинг мардлиги, Жалолиддиннинг ватанпарварлиги руҳиятимизга сингди, Алишер Навоийнинг "Хазойин-ул маоний"си дунёқарашимизни кенгайтирди, Фурқатнинг ғазаллари элу юрт қадрини англатди, "Бобурнома", "Ўткан кунлар" тарихимиз билан яқинлаштирди.

Фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, энг қадимий ва бой тил ҳисобланган ўзбек тили кўп асрлар давомида дунё цивилизациясига, умумбашарий қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Она тилимизнинг кенг имкониятлари қадимги тош битикларда, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарлари, Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо ҳикматлари, Алишер Навоийнинг "Хамса", "Хазойин-ул маоний"си, Бобур Мирзонинг "Бобурнома"си, Бобораҳим Машраб, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби буюк аллома ва адибларимиз ижодида яққол намоён. Буюк аждодларимизнинг ўлмас асарлари нафақат миллатимиз, ҳеч муболағасиз, айтиш мумкинки, инсоният маънавиятининг сарчашмаси саналади.

"Тилга эътибор — элга эътибор", "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор", деган ҳикматли сўз замирида бир олам мани, маъно мужассам. Шу сабабли Алишер Навоий темурийлар даврида ўзбек тилининг обрўйи учун курашди. Маърифатпарвар ота-боболаримиз халқнинг саводини, дунёқарашини ошириш мақсадида тилни, алифбони ислоҳ қилиш йўлида фидойилик кўрсатишди. Халқимиз ўз Президенти Ислом Каримов бошчилигида мустақиллик учун кураш олиб борар экан, аввало, она тилимизга давлат тили мақомини бериш йўлида саъй-ҳаракатлар қилди. Турли тўсиқларга қарамай, 1989 йилнинг 21 октябрь куни, ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги тугамаган пайтда мамлакатимизда ўзбек тили — давлат тили, деб эълон қилинди. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қатори муқаддас рамзига айланди.

1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида белгилаб берилган мақоми, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари она тилимиз тараққиётида янги давр бошлаб берди. Ўзбек тили том маънода миллий қадриятларимиз, фахр-ифтихоримизга айланди.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида **"Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур"**, деган эди. Жорий йилнинг 13 май куни қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг **"Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармони мана шу эзгу ниятнинг узвий давоми, олий мақсад йўлидаги ўта муҳим тарихий қадам бўлди.

Мазкур Фармонда ташкил қилиниши лозим бўлган университетнинг мақсади "Ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг ҳамда ушбу соҳа бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан ошириш" эканлиги аниқ, лўнда белгилаб қўйилган.

Бу мақсад замирида мужассам топган миллий маънавият ва маърифат тараққиётига эътибор, келажак авлод таълим-тарбиясига ғамхўрлик шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон қалбини тўлқинлантиради. Мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири унда "Она тилимизнинг интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компьютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи хорижий тиллар асосида таржима дастурлари ва луғатлар, электрон дарсликлар яратиш билан боғлиқ илмий-методик ишланмалар, амалий тавсиялар тайёрлаш ва бу борада эришилган натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш" белгиланган. Биз бугун техник тараққиёт шиддат билан ривожланаётган даврда яшаяпмиз. Ҳаётимизни ижтимоий тармоқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демакки, келажакда она тилимиз замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғи, замонавий коммуникацияда қўллаш доираси кенгайиб бораверади.

Ташкил этилаётган университет таркибида инглиз-ўзбек таржима факультетининг ташкил этилиши эса келажакда дунё аҳлини ўзбек адабиёти билан янада яқинроқ таништириш, ўз навбатида, халқимизни жаҳон адабиёти дурдоналаридан, дунё янгиликларидан баҳраманд этиш имкониятини кенгайтириши барчамизни қувонтиради. Бир сўз билан айтганда, мазкур Фармон буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий, маданий, маънавий меросини янада чуқурроқ ўрганиш ва ёш авлодга етказиш, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва жаҳон майдонида нуфузини янада оширишга, миллий фахр-ифтихор туйғуларини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Жараён

# Касбий маҳорат ва ахлоқий фазилатлар

### ҳуқуқий педагогиканинг муҳим шарти

**ЎЗБЕКИСТОНДА кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос моделини татбиқ қилиш жараёни мамлакатни модернизация қилиш эҳтиёжлари тараққиётнинг устувор йўналишларига хизмат қилишини назарда тутади. Шубҳасиз, бу ўринда олий ўқув юрти жамоаларининг ҳозирги замон педагогикасининг энг самарали ютуқларидан унумли фойдаланишлари ҳам муҳим ҳисобланади.**

Шу ўринда қайд этиш мумкинки, Шарқ ва Ғарбда шаклланган таълим тизимидаги педагогикада ўзига хосликлар мавжуд. Айниқса, Шарқ алломаларининг асарларида таълим-тарбияга оид дидактик ёндашувлар, устоз ва шогирд муносабатлари, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари хусусида кўплаб маълумотлар келтирилган. Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри", "Бахт-саодатга эришув ҳақида" каби асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юритади. Таълим — деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия — назарий фазилатларни маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг "Вақфия" асарида илмпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари асосида ҳатто унинг мударрислар ва талабалар моддий таъминотига ғамхўрлик қилганлигини кўрамиз. Хусусан, мазкур асарда мударрисларга ҳар йили икки юз олтиндан маош белгиланганлиги, ҳар ойда икки қопдан буғдой ва арпа берилганлиги, ўзининг нонига ва минадиган отининг емига эга бўлгани қайд этилган. Навоий талабаларни икки ҳалқа (гуруҳга бўлиб), бир гуруҳнинг сонини 11 дан оширмаганлиги ҳам теран билим олишга мўлжалланган тадбир бўлиб, агар ҳар бир гуруҳда 20 ва ундан ортиқ талаба бўлса, мударрис уларнинг ҳар бирига етарлича эътибор беролмай қолади, деб ҳисоблаган. У талабаларни қобилияти ва яхши ўқишига қараб уч тоифага бўлгани ва уч даража маош (ҳозирги замон тилида — стипендия) белгилагани ҳам диққатга сазовордир. XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар ватандошларимиз Муқимий, Фурқат, М.Беҳбудий ва бошқалар педагогика фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Олий ўқув юрти ва ўрта мактабдаги педагогик фаолият инсон меҳнатининг энг мураккаб ва масъулиятли соҳаси ҳисобланади. Маълумки, педогогика олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабани мактаб амалиётини қўллаган ҳолда бўлажак касбга тайёрласа, ҳуқуқшунос талаба эса педагогик фаолиятга махсус ўқитилмайди. У юридик олий юртнинг ўқитувчиси бўлгандан сўнг дастлаб ўз фаолиятида унга қадар ишлаган ўқитувчиларнинг ҳам

2

Адлия аралашгач...

# Ноқонуний узилган газ таъминот

### қайта уланди

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими томонидан Нукус шаҳрида фаолият юритувчи "Абсалют эмаль" МЧЖ раҳбари А.Курбаниязовнинг "Нукус шаҳар газ" филиали ходимларидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганилди.**

Мурожаатни ўрганиш натижасида "Нукус шаҳар газ" филиали ходимлари Қ.Тлеубаев ва А.Палуаниязовлар 2016 йил 18 январда 38-сонли далолатномага асосан олдиндан огоҳлантирмасдан МЧЖга тегишли бўлган иморатга уланган газ тармоғи тамбалаб қўйилган (пломба). Газ таъминоти узилганлиги сабабли МЧЖ фаолияти вақтинча тўхтаб қолганлиги аниқланди.

"Нукус шаҳар газ" филиали билан МЧЖ ўртасида истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш бўйича шартнома тузилган бўлиб, икки томонлама имзоланган таққослаш далолатномасига асосан МЧЖ томонидан газ таъминоти учун олдиндан тўловлар амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, шартноманинг 6.1 бандига асосан етказиб берувчи газни етказиб бериш қисқартирилганда бу ҳақда истеъмолчига хабар беришга мажбур бўлса-да, хабар бермасдан, "Нукус шаҳар газ" филиали ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июндаги 169-сон қарори билан тасдиқланган қоида талаблари бузилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиб, МЧЖга тегишли иморатни газ тармоғига улаб бериш ҳақида киритилган тақдимномага асосан газ тармоғига хусусий корхона қайта улаб берилди.

**Ниятилла СУЛТАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими**

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-19-97

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 268-27-35

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz Тел/факс: 268-28-45

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 916. website: adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz Тел/факс: 268-28-45

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали Сиз фаолиятга оид батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

# Болаларнинг бегонаси йўқ



(Давоми.
Боши биринчи бетда)

**Роберт ФУДЕРИЧ, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистон БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро конвенциясини ратификация қилган ва бу ҳужжат ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Бу омил мамлакатингизда ҳар бир болага бирдек улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилишидан далолат беради. Ўзбекистон бу борада бошқа давлатларга ибрат бўлса арзийди.

**Зденко СЕДЛАР, SOS Children's Villages International халқаро ташкилоти вакили:**

— Ўзбекистон халқаро ташкилотимизга аъзо бўлган давлатлар орасида болаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бўйича энг намунали фаолият кўрсатаётган мамлакат. Юртингизда болалар таълим-тарбиясига тааллуқли ҳар бир лойиҳа пухта ва жиддий ёндашув асосида, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг кучли ижтимоий ҳамкорлигига таянган ҳолда амалга оширилиши ушбу муваффақиятнинг асосий омилидир.

Бу сўзлар бежиз айтилмаган, албатта. Мустақилликка эришганимиздан буён, Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими 3 баравар, ногирон болалар туғилиши эса деярли 80-90 фоизга камайди. Ер юзининг кўплаб ҳудудларида болалар тўйиб овқат емаслик, турли касаллик, очлик ва қаровсизликдан бевақт оламдан кўз юмаётган бир пайтда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, оналар ва болаларга керакли даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги жаҳон рейтингини тузувчилар томонидан мамлакатимизда бу кўрсаткич ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши эътиборга олинди.

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олди.

**ҲАР БИР БОЛА ҲИМОЯ ВА МЕҲР-МУҲАББАТ ОҒУШИДА**

Алоҳида мамнуният билан айтиш жоизки, Ўзбекистон 1992 йил МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясига аъзо бўлди.

Мазкур конвенцияга мувофиқ 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва SOS Kinderdorf International ўртасида мамлакатимизда SOS — Болалар маҳаллаларини тузиш ҳамда фаолиятларини ташкил этишга доир шартнома имзоланиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси тузилди. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибор ва назорати остида 2000 йилда Тошкент Болалар маҳалласи биринчи қалдирғочларини ўз қучоғига олди. Давлатимизнинг "Оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш" Дастурига кўра, 2007 йилда Самарқанд шаҳрида, 2010 йилда Хоразм вилоятида SOS — Болалар маҳалласи ишга тушди.

Болалар маҳалласидаги ҳар бир оилада олти нафардан саккиз нафаргача бола истиқомат қилади. Оила аъзолари яшайдиган уй икки қаватдан иборат, барча шарт-шароитлар муҳайё. Кенг, ёруғ хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Дам олиш хонасида болажонлар китоб ўқишлари, дарс қилишлари учун энг замонавий русумдаги компьютер, телевизор, радио улар ихтиёрида. Ётоқхона, ошхона ва ювиниш хоналари ҳам ҳавасингизни келтиради.

Бугунги кунда 32 та SOS оилаларда 197 нафар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оиласи, опа-сингил, ака-укалари бағрида, болалик бахтидан баҳра олиб яшамоқда.

Ҳар бир SOS — Болалар маҳалласида болаларга қалб қўрини бахшида этган — Она, унинг ёрдамчиси — Хола оила аъзоларининг тинч-тотувлиги, ўзаро аҳиллиги, меҳр-оқибат ва оилавий бахтини таъминлайдилар. Педагоглар, психолог, врач-педиатр каби малакали мутахассислардан тортиб оддий боғбонгача болаларнинг ўсиб-улғайишлари, ўзларини англашлари, шахсий имконият ва қобилиятлари, қизиқиш ва истеъдодларини рўёбга чиқариб, жамиятимизнинг муносиб аъзолари бўлиб етишишлари учун бирдамликда ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирда Тошкент SOS — Болалар маҳалласида 18 ёшгача бўлган ўғил-қиз ўзларининг ҳақиқий уйларида оналари, опа-укалари бағрида тарбияланмоқдалар. Маҳалла ҳудудидаги болалар боғчасида, математика, адабиёт, спорт, нафис санъат, миллий ҳунармандчилик ва бичиш-тикиш йўналиши бўйича "Моҳир қўллар" каби турли тўгараклар болажонлар хизматида. Ҳар йили SOS маҳалласидаги болалар тиббий-психолог-педагогик кўрикдан ўтказилади. Давлатимиз ғамхўрлиги ва малакали мутахассисларнинг ҳамкорликдаги фаолликлари боис, маҳалла болалари ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамолликка эришмоқдалар. Уларнинг митти қалбларида оила замиридаги ватанга муҳаббат ва садоқат, элу юртга миннатдорчилик туйғуси шаклланиб, тобора ошиб бормоқда.

SOS — Болалар маҳалласининг болалари вояга етгандан кейинги тақдирлари ҳам давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди. Собиқ тарбияланувчилар учун Тошкент, Самарқанд ва Урганчда "Ёшлар уйи" ташкил этилган.

Ёшлар уйи умумий таълим масканларини тамомлаган ва илк мустақил ҳаётни бошлаётган ўсмирлар учун мўлжалланган. "SOS — Болалар маҳалласи"дан бу масканга кўчирилган ўсмирларда юқори малакали мутахассислар, педагоглар, мураббийлар, психологлар кўмагида илк мустақил ҳаётга оид билим ва кўникмалар, касб танлаш, ишга жойлашиш, шахсий салоҳиятни ривожлантиришга оид билимлар шакллантирилади. Шунингдек, бу ерда ўсмир ёшдаги ўғил-қизлар жамоа билан мулоқотда бўлиш, ўз маблағларини тўғри режалаштириш, рўзғор ва хўжалик ишларини оқилона юритишга ўрганади.

— Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик бизни беҳад руҳлантиради. Кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор, яратилаётган шароитларнинг қадрига етишга, халқимизга, Ватанимизга муносиб инсонлар бўлиб вояга етишга астойдил интиламиз, — дейди бу ерда истиқомат қилаётган ёшлардан бири Беҳзод Исмоилов.

(Давоми кейинги сонда)

**Фарида УКИБОЙ қизи**

# Касбий маҳорат ва ахлоқий фазилатлар

## ҳуқуқий педагогиканинг муҳим шарти

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

ижобий ва маълум жиҳатдан камчиликларини ҳам қайд этади. Бу ўринда ҳуқуқшунос ўқитувчи фақатгина ўз фанини билиши етарли бўлмай, балки педагогик маҳорат, педагогик жараён, унинг турли шакл ва услублари, соҳа психологияси ва касбий этикани ҳам яхши тушуниши лозим бўлади.

Юридик ўқув юртида бошқа олий юртлардан фарқли (масалан, техник ўқув юртидан) ўзининг ахлоқий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Сабаби мазкур ўқув юртида ахлоқий масалалар алоҳида аҳамият касб этади. Уни битирган талабалар судья, прокурор, терговчи, адвокат сифатида кўплаб инсонларнинг тақдирини адолатли ва тўғри ҳал қилишлари туфайли улар юксак инсоний фазилатларга эга бўлишлари муҳим эканлигини таъкидлаш ўринли. Бу ўринда мазкур олий ўқув юртида маънавий-тарбиявий ишларни талаба ўқув юртига қадам қўйган дастлабки кунданоқ, унинг келажакда эгаллаши лозим бўлган касбнинг ижтимоий аҳамияти, ўрни ва мураккабликлари хусусидаги масалаларга қаратиш жоиздир. Сир эмас, кўпинча, талабаларда бўлғуси касби ҳақида дастлаб бирмунча саёз ва ҳавоий тасаввурлар мавжуд бўлганлиги сабабли, педагогик жамоанинг бу борадаги тизимли ва тўғри ташкил қилинган фаолияти жуда катта аҳамият касб этади.

Кўп вақтлар давомида олий ўқув юртида назарий ва амалий билимлар қай даражада, ўқув режасида уларнинг нисбати қандай бўлиши керак, бундай билимларни талабаларга қандай усул ва воситалар орқали етказиш лозим деган баҳслар бўлиб келган.

Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг юридик олий ўқув юртларида, масалан, АҚШда ўқув жараёнида талабада кўпроқ амалий кўникмаларни ўзлаштиришига, континентал Европа мамлакатларидаги университетларнинг юридик факультетлари талабалари томонидан назарий билимларни ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратилиши билан ажралиб туради.

Юридик олий ўқув юртида таълим жараёнида қўлланиладиган услублар (метод) хусусида қисқача тўхталсак, ўқитувчи талабанинг ҳуқуқий фанларни ўзлаштиришида қўллайдиган усул ва йўллар ҳам катта ўрин эгаллайди. Шубҳасиз, улар ўқитувчининг талабани у ёки бу юридик фанни мустақил ўзлаштиришига, масалан, халқаро оммавий ва жиноят ҳуқуқ бўйича масалаларнинг ечимини топишга ёхуд лекцияни ўқишдаги тайёр билимларни олишга даъват этувчи восита сифатида қўлланилади. Ўқитувчи машғулот туридан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг турли усулларидан фойдаланиши мумкин. Машҳур чех педагоги Я.Коменский инсон ҳар қандай билимни яхши ўзлаштиришга қобилияти бор, фақатгина бунга тўғри усулни танлай билиш лозим, деб ҳисоблаган.

Ҳозирги замон таълим тизимида, жумладан, юридик таълимда қуйидаги усуллар қўлланилади:

— таълимнинг энг муҳим анъанавий усулларидан бири бу **сўз-тушунтириш усули** ҳисобланиб, талабанинг билимларни олишида ўқитувчининг жонли сўзи асосий манба сифатида улкан кучга эга бўлади. Албатта, талаба ҳам ўз ўрнида, семинар машғулотларида ўз маъруза ва чиқишларида, имтиҳонларда жавоб беришида, ўз илмий раҳбари билан курс ёки малакавий ишини ёзишда, биринчи навбатда, сўздан фойдаланади ва унинг касбий нутқининг шаклланишида булар катта аҳамият эгаллайди;

— талабанинг фанларни ўзлаштиришида, уни тушунишда, эслаб қолишида, сўровларда фойдаланишида, айниқса, кейинчалик, ҳаётда қўллай олишида **ўқитишнинг кўргазмали усуллари** ҳам муҳимдир. Ўқитувчининг машғулот давомида тегишли кўргазмали жадвал, схема ва ҳатто доскада бўр билан кўрсатган ёзуви, криминалистика бўйича ўқув кабинетидаги экспонатлар талаба томонидан яхши қабул қилинади;

— талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида семинар ва амалий машғулотларда, айниқса, унинг ўз маърузалари, тегишли мавзу бўйича вазифа ва топшириқларни ечиши, баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этиши ҳуқуқий воқелик ва ҳодисаларни ўзлаштиришида "ақлий ҳужум", яъни ақлий фаолият руҳи билан бойитилган **эвристик усул** ҳисобланади. Бундай усул икки ижобий шаклда амалга оширилиб, яъни биринчидан, талаба уйга берилган топшириқ ва вазифани семинар машғулотларда ўзининг жавобларини тақдим этган ҳолда таҳлил қилиши, иккинчидан эса ўқитувчи томонидан илгари сурилган муаммоли масалаларни талабанинг мустақил равишда семинар машғулотларда ўз маъруза ва рефератлари орқали муҳокама қилиши билан ажралиб туради;

— талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида амалий машғулотларда маъруза ёки реферат, курс ва малакавий ишларини тайёрлашга йўналтирилган **тадқиқот усулини** ҳам назарда тутади. Бунда талаба ёзма ишни ёзишда унинг режасини тузиш, материаллар тўплаш, уни тизимлаштириш жараёни талабанинг дунёқарашини кенгайтиради, мантиқий фикрлашга ундайди.

Таълим жараёнида **техник воситалардан фойдаланиш усули** (ўқув фильмлари, ахборот технологиялари ва ҳ.к.) талабалар томонидан ўқув материалини ўзлаштиришида катта қизиқиш уйғотади. Айниқса, криминалистика кафедрасида қўлланиладиган техник асбоб-ускуналар муҳим роль ўйнайди.

**Амалий ўқитиш усули** ўқув юрти дастури ва режаларидаги ҳуқуқий фанларни ўрганишда талабаларнинг аудиториядаги машғулотлардан тортиб ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнини қамраб олган тадбирларни ўз ичига олади. Бу ўринда олий ўқув юртининг мазкур идоралар билан ҳамкорлиги ўқув жараёни эҳтиёжлари, мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ўзаро манфаатли ҳамжиҳатликда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилган усуллар ўқув жараёнида узвий бирликда, юридик таълим мақсадларига йўналтирилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлар доктори**

[✓ Ришта]

# Бахтиёр оилада

## соғлом болалар дунёга келади

**МАМЛАКАТИМИЗДА ҳар бир йилни муайян ном билан аташ, шу асосда махсус Давлат дастури ишлаб чиқиш ва унинг ижросини изчил амалга ошириш яхши анъанага айланган. Қайси йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, мазмун-моҳиятида, аввало, инсон, унинг манфаатлари, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадлар мужассам бўлиб, йилларга ном берилишда асосий эътибор оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги, келажакда барча орзу-умидларимизни рўёбга чиқарувчи катта кучни униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида кўраётганлигимиздандир.**

Соғлом боланинг дунёга келиши, жисмонан соғлом, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши, аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ.

Ҳомиладор аёл дилбандини тўққиз ой ўз бағрида асраб-авайлаб ёруғ дунёга келтиради. Ушбу вақт давомида аёл қандай кунларни бошидан кечирса, бу ҳомилага, албатта, таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳомиладор аёлнинг руҳий-физиологик ҳолати меъёрида бўлишига жиддий эътибор қаратилса, келажакда соғлом фарзанд дунёга келишига замин яратишини унутмаслик керак.

Соғлом она — соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу борада кенг кўламли дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, барча жойларда, таълим масканларида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда турли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар 3-сон никоҳ уйи қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни" машғулотларига жалб қилинаётган келин-куёвларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги борасида атрофлича маълумот берилмоқда. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг асосий мақсади — соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ турли касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир. Чунки оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият равнақига мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бахтиёр оилада соғлом болалар дунёга келади. Соғлом болалар эса эртамизнинг ишончли эгаларидир.

**Гўзалхон УСМАНОВА, Тошкент шаҳар 3-сон никоҳ уйи мудираси**

[✓ Моҳият]

# Бугунги ёшлар

## фаровон келажак соҳибларидир



МУЪЛУМКИ, 1991 йил 20 ноябрда **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун асосида ёшларнинг мукаммал билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун қаратилаётган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидор ва қобилияти тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашга доир масалалар ҳал этилди.

Кейинчалик, хусусан, 2008 йил "Ёшлар йили", 2010 йил "Баркамол авлод йили", 2014 йил "Соғлом бола йили"да айни масаладаги қонун ҳужжатлари янада такомиллашди. Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарорининг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, жорий 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили", дея эълон қилиниши мазкур йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришга асос бўлди. Бинобарин, 2016 йил 9 февралда имзоланган "Соғлом она ва бола" йили Давлат дастурининг биринчи бандига асосан янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоянинг махсус чора-тадбирларига муҳтож бўлган ёшлар (кам таъминланган ёш оилалар)га доир муносабатларни, қўшимча иш жойлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака оширишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, ташкилотлар томонидан уларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйишда ёрдам бериш йўли билан тартибга солиш имконини беради.

Бундан ташқари, Давлат дастурида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига уч ёшгача болалари бўлган барча аёлларга (бола парвариши таътилига чиққанидан қатъи назар) нисбатан уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритиш ҳисобига жиноят қонунчилигини янада эркинлаштиришга йўналтирилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди. Шунингдек, **"Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"**ги Қонунга болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, шунингдек, шахсда мавжуд бўлганда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васийлик (ҳомийлик) белгиланиши рад этиладиган касалликларни белгилаш тартибини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ота-она қаровсиз қолган етим болалар ва етимлардан қайсиниси тўлиқ давлат таъминотида бўлишини, тўлиқ давлат таъминотига қўйиш қандай тартибда ва қайси давлат органи томонидан расмийлаштирилишини аниқловчи нормаларни киритиш ҳам назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги ва такомиллашаётган қонунлар халқимизнинг нақадар болажон эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Зеро, бугунги ёшлар эртанги фаровон келажагимиз соҳибларидир.

**Лазиз ҒУЛОМОВ, Қувасой шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси**

Таълим

# Назария ва амалиёт уйғунлиги

## самарадорлик белгиси

**ЎЗБЕКИСТОН ахборот агентлигининг хабар беришича, "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилоти ўз йиллик маърузасида жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги индексини эълон қилган. Давлатларга баҳо беришда "Тартиб ва хавфсизлик" йўналиши бош мезонлардан бири сифатида ёндашилиб, унинг доирасида халқаро экспертлар дунёнинг 99 мамлакатидаги тартиб ва хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни кўриб чиққан ва унда мамлакатимиз етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олганлигини маълум қилган.**



Суратда: Тингловчилар амалиёт жараёнида

Шу билан бирга, АҚШнинг Гэллап институти, деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" бўйича респондентлардан ўзининг яшаётган шаҳар ёки туманидаги маҳаллий полицияга ишониши, кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра олиши, охирги ўн икки ойда ўзининг ва оила аъзоларининг пул ва мол-мулки ўғирланганлиги ҳолати содир бўлганлиги сўралганида ушбу сўровномада Ўзбекистон 141 та мамлакат ичида 2-ўринни эгаллаган.

Мамлакатимизнинг мазкур юқори баҳога сазовор бўлиши мустақиллик йилларида ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик изчил ҳамда босқичма-босқич амалга оширилаётганининг натижасидир.

Таъкидлаш жоиз, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлашда, албатта, кадрлар тайёрлаш сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўрни беқиёсдир. Мазкур таълим даргоҳи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлайдиган йирик олий таълим муассасаларидан биридир. Бугунги кунда Академия халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳушёр туриб ҳимоя қиладиган соф виждонли, ҳалол ва керак бўлса жонини ҳам фидо қиладиган ҳуқуқшунос ўғил-қизларни ўқитиб, тарбиялашдек юксак масъулиятли вазифани бажариб келмоқда. Академиянинг Ахборот-ресурс марказида локал компьютер тармоғи, ички ўқув телевидениеси ва кутубхона фаолият юритмоқда. Академия тингловчиларига қулай шарт-шароитлар яратилган. Амалий машғулотлар учун "Криминалистик полигон", "Автомобиль йўли, йўл-транспорт ҳодисаларини яратиш учун мўлжалланган махсус ўқув майдончаси", Тергов фаолияти мутахассислиги ўқув-методик хонаси мавжуд. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув корпуслари, ошхона, спорт мажмуаси, тиббиёт хизмати, ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида ётоқхоналарнинг барчаси комплекс жойлашган. Аниқроқ қилиб айтганда, етук, малакали кадрларни тайёрлаш учун барча имкониятлар яратилган.

Айниқса, тингловчиларга билим беришда назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор берилганлиги диққатга сазовор. Бугунги кунда 4-босқич тингловчилари ИИБ бўлинмаларида иш ўрганиш амалиётини ўташмоқда. Мен ҳам "Тергов фаолияти" мутахассислиги бўйича Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани жамловчи ИИБ тергов бўлимида иш ўрганиш амалиётини ўтамоқдаман. Ушбу амалиёт даврида биз сафдошларим билан ички ишлар органлари тергов бўлимларининг фаолияти билан яқиндан танишдик. Жиноятларни тергов қилиш ва унда фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тадбирларда бевосита иштирок этиш орқали жиноятларни очиш, дастлабки терговни ташкил этиш, тергов билан боғлиқ муҳитни ҳис этиш ва унга психологик жиҳатдан мослашиш, келажакда терговчи лавозимида иш олиб бориш кўникмаларини ўзимда шакллантираяпман.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоиз, Академияда олган назарий билимларимизни амалий кўникмалар билан мустаҳкамладик. Ушбу амалиёт бизга танлаган касбимизга бўлган қизиқишимизни янада оширди. Келажакда ўзим танлаган соҳа бўйича етук мутахассис бўлишга, ўз касбимни нафақат она тилимда, балки чет тилларда ҳам ўзлаштиришга, яратилган барча имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қиламан.

**Мадина ЖАНИЕВА,**
**ИИВ Академияси тингловчиси**

Шарҳ

# Сатрларда ҳаёт акси

## ёки ижодий руҳ қоғозга тушса...

**ЖАМИЯТ ҳаётида кечаётган ҳар бир ўзгаришлар, янгиланиш ва ислоҳотларга катта қизиқиш билан қарайдиган, аввало, булардан ўз вақтида хабардор бўлган, лозим бўлса, уни кенг жамоатчиликка мақола ёки хабар тарзида етказадиган муштарийлар кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳолатни ахборот асрининг ижобий жиҳатларидан бири, десак хато қилмаймиз.**

Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, жумладан, оилалар мустаҳкамлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшлар масаласи, баркамол авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар таҳлилига бағишланган ижод намуналари ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

— Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этишни таъминловчи қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди, — деб ёзади Пешку туман ФҲДЁ бўлими мудираси **Дамира Алмосова** ўзининг "Оила, никоҳ ва саломатлик" мақоласида. — Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати яхшиланмоқда, тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро суди судьяси **Анвар Муҳамедиев**нинг "Оталикни белгилаш тартиби" мақоласида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар қаламга олинган. Наманган шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси **Нодирахон Абитдинова** ҳам "Улуғларни эъзозлаган юрт" мақоласида юқоридаги мавзу юзасидан фикр юритган.

Таҳририятга келаётган мақолалар билан танишар эканмиз, муаллифларнинг кўпчилигини адлия ходимлари ташкил этади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими **Руслан Турсунбаев**нинг "Огоҳлик давр талаби" мақоласида бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида ўзаро низо ва зиддиятлар кучайиб бораётгани, бу ўз навбатида, огоҳлик ва ҳушёрликни йўқотмасликни тақозо этишини ёзади. Янгиқўрғон туман ФҲДЁ бўлими мудираси **Феруза Ҳакимова** ва Қумқўрғон туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Наргиза Абдуллаева** "Одам савдоси — давр муаммоси", Олтинсой туман ФҲДЁ бўлими 1-тоифали инспектори **Жамшид Пардаев** "Ҳар ерни қилма орзу" мақолаларида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамият ҳаётидаги салбий таъсирларини очиб беришга ҳаракат қилган.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш устувор вазифа ҳисобланади, — деб ёзади Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Лазизжон Рустамов** "Ҳуқуқий ҳимоя мустаҳкам" мақоласида.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Зикрилло Ғозиев**нинг "Тадбиркорлик субъектларига нотариал ҳаракатлар орқали давлат хизмати кўрсатишда яратилган имкониятлар" мақоласида ҳам мазкур мавзу юзасидан сўз юритилган.

Шунингдек, Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси **Лола Азаматова** "Назорат-касса машинаси чекини сўрашни унутманг!" мақоласида соҳага оид маълумотларни бериб ўтган бўлса, Сирғали саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси **Шаҳло Маҳмудова** "Тил — ўзаро муносабатлар пойдевори" мақоласида турли халқлар, миллатлар ва элатларнинг ўз она тилларига бўлган муносабатини ёритишга ҳаракат қилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, газетамизнинг "Ҳуқуқий маслаҳатхона" ва "Сўраган эдингиз" рукнларига муштарийлардан келаётган саволларга жавоб беришда ФҲДЁ бўлими ходимлари ва давлат нотариал идоралари нотариуслари фаол эканлигини кузатиш мумкин. Улар ўз фаолиятига доир саволларга жавоб бериш орқали аҳолининг ҳуқуқий тушунчаларини бойитиш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда самарали ҳисса қўшаётганлиги шубҳасиз.

Масалан, — Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш қандай тартибда амалга оширилади? — дея савол беради жиззахлик **Дилбар Норбекова**.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 27-бандига асосан топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш Ички ишлар бўлими, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола жойлашган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг аризасига биноан амалга оширилади, — деб жавоб беради Арнасой туман ФҲДЁ бўлими мудири **Аширқул Эшбеков**.

Ана шундай "Савол-жавоб" мазмунидаги ҳуқуқий маслаҳатларни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими **Ғайрат Тлеумуратов** "Меҳнатни муҳофаза қилиш тартиби", Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Дилмурод Эгамов** "Васиятнома ва унинг турлари", Пахтакор туман ФҲДЁ бўлими мудираси **Дилноза Сайдқулова** "Тиббий кўрикдан ўтиш мажбуриймми?", Қашқадарё вилоят ФҲДЁ архиви мудири **Лола Саидова** "Электрон ҳукумат тизими хизмати", Тўрткўл туман ФҲДЁ бўлими мудираси **Зулхумор Балтабаева** "Оталик ҳуқуқи мажбуриятлари", Самарқанд шаҳар 16-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси **Толиб Эшманов** "Жамоатчилик назорати инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади", Хўжайли туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Парахат Дауенов** "Ҳадя шартномаси", Навоий шаҳар 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Умиджон Муқимов** "Автотранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи", Жиззах шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси **Рустам Қўчқоров** "Мол-мулкни гаровга қўйиш тартиби", Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Замира Арзымбетова** ва 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Турғонгул Бекмуратова**нинг "Ишончномани расмийлаштириш тартиби", Зангиота туман 10-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Гўзал Мансурова** "Бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкини бошқариш" мақолалари орқали юборишган.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Илхом Бўрибоев**нинг "Фермер — янгиланишлар ташаббускори", Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими **Наима Ядигарова**нинг "Парламент назорати", ТДЮУ доценти **Олим Нарзуллаев**нинг "Жамоатчилик асосида экологик назоратни амалга ошириш", фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди судьяси **Баҳодир Эргашев**нинг "Муаллифлик ҳуқуқининг қонунларимиздаги ифодаси", Нукус шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси **Салтанат Пирназарова**нинг "Ҳуқуқий ислоҳотлар фаровон ҳаёт гарови", "Инсон ва қонун" мухбирлари **Хуршид Султонов**нинг "Тадбиркор ҳуқуқини ҳимоялаш" ва **Азим Қодиров**нинг "Шукроналик", Шўрчи туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Юсуф Базаров**нинг "Солиқ қонунчилигида ислоҳотлар", Гулистон шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Муҳаббат Худайбердиева**нинг "Васийлик ва ҳомийликни белгилаш", "Бола ҳуқуқлари ҳимояси жамият келажаги кафолатидир" ва "Ёшлар бизнинг келажагимиз" мақолалари ҳам бугунги куннинг долзарб мавзулари асосида тайёрланган.

* * *

Газетамизда фаол иштирок этаётган Ички ишлар вазирлиги Академияси 4-босқич тингловчилари **Алишер Хурромов** "Тадқиқот объектларида "латент" изларни аниқлаш", **Бахт Калбаева**нинг "Экспертиза тадқиқотларининг жиноятларни фош этишдаги аҳамияти" мақолаларида соҳадаги мавжуд муаммолар, жиноят изларини аниқлаш жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда бу борада тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритган бўлса, **Дониёр Аҳмедов** ва **Шоҳруҳбек Толипжонов** "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар" мақоласида соҳага доир тартиб-қоидаларни назарий-ҳуқуқий асосларда кенг ёритиб беришга интилишган. **Абдулла Жўрабоев** эса "Терроризм фожиаси дунёга таҳдид солмоқда" мақоласида бугунги кунда кўплаб давлатлар ва халқлар тўқнаш келаётган мураккаб муаммолардан бири терроризм эканлиги ҳақида қалам тебратган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқитувчи ва тингловчилари томонидан йўлланган долзарб ва муҳим мавзулардаги мақолалар имкон қадар газетамиз саҳифаларида ёритиб борилмоқда.

* * *

Таҳририятимизга мақола йўллаган сергак ва мулоҳазали ҳар бир муаллифга миннатдорчилик билдирамиз. Аввало, улар бу орқали наинки ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, бугун курраи заминда юз бераётган қувонарли ва ташвишли кечинмаларга, қолаверса, шу юрт равнақи, истиқболи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ ва беэътибор эмаслигидан далолат беради. Истардикки, шу ижодий руҳ ва кенг қамровли мавзуларда келиб тушаётган мақолалар сони билан эмас, сифати билан ҳам қувонтирса, нур устига аъло нур бўларди.

**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Эҳтиёт бўлинг

# "Қора ҳалак" ёхуд Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги ҳақида биласизми?

**ҚИШЛОҚ манзараси, ҳаёти ўзига хос. Тонгни уйғотган одамлар уй-рўзғор ташвишлари билан банд. Бўш вақтнинг ўзи йўқ. Нигора келин ҳовлини тозалаяпти. Катта келин эса тандирда нон ёпаяпти. Ғани бобо мева-чевалардан терган. Содиқжон эса мол-қўйларга ўт ташлаяпти. Ниҳол момо райҳонларга меҳр билан сув қуймоқда. Бешикда ётган боладан тортиб биринчи синфда ўқиётган Раъно ҳам уйғоқ. Ҳовлида ҳаёт қайнайди.**

— Кунлар ҳам исиб қолди. Мол-қўйларни каналардан тозалаш керак, — деди Ғани бобо ўғлига. Бу ишни ўзинг эпларсан. Ҳар ҳолда буни тушунадиган соҳада ўқияпсан, бўлажак мутахассиссан.

— Қўлинг билан бирзумда терасан-қўясан болам, — гапга аралашди Ниҳол момо. Содиқжон эса онасининг гапига кулиб қўйди-да:

— Онажоним уларни қўлда тозалаш хавфли. Айнан шу каналар ўта хавфли юқумли касалликлар тарқатувчи ҳисобланади. Уни тиббиёт тилида Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги, деб аташади. Бу борада университетимизда алоҳида дарслар ўтилади. Қолаверса, мазкур касалликнинг хавфи ва унинг олдини олиш бўйича республикамиз бўйлаб турли тадбирларда гап-сўзлар айтилаяпти. Кечагина телевизорда берилган янгиликда ҳам шу ҳақда гапиришди-ку, — деб жавоб қайтарди.

Мен Содиқжонни яхши танийман. У шу касаллик ҳақида ҳамма билиши кераклигини ва уйидаги воқеани гапириб берди. Биз эса мазкур касаллик ҳақида батафсил ўргандик. Қуйида мутахассис фикрлари билан танишасиз.

**Абдисами АХМАТОВ,**
**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Тиббий — биологик муҳофаза бўлими бошлиғи, подполковник:**

— Кунлар исиши билан бошқа ҳашоратлар каби каналарнинг ҳам уйғониши ва фаоллашиши кузатилади. Каналар ичида эса инсон ҳаёти учун хавфли бўлган Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги ("Қора ҳалак", "Қора ўлим") қўзғатувчиларини ташувчиси бўлган иксод каналари ҳам мавжуд. Ушбу ҳолат фуқароларимиз саломатлиги муҳофазаси йўналишида самарали тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Аввало, ушбу касаллик тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Одамлар учун жиддий хавф соладиган Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига киради.

Бу касаллик — одамларга асосан майда шохли ва йирик шохли қорамоллардаги каналарни териш, уларнинг жунини олиш ёки чўл ҳудудларида уларни боқиш жараёнида кана чақиши орқали юқади. Иксод каналарининг ҳазм йўлларида кўплаб миқдорда касаллик қўзғатувчиси бўлган вируслар бўлади ва кана одамни чаққанда қонига тушади.

Вирус ажратган моддалар натижасида одам қони ивиши издан чиқади, натижада бурун ва бошқа табиий тешиклардан қон кетиши кузатилади. Касаллик оғир кечади ва ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, оқибати нохуш тугаши мумкин. Ушбу касаллик билан ҳайвонлар касалланмайди ва клиник белгилар намоён қилмайди.

Фуқароларимиз ўртасида ушбу касаллик бўйича кенг тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Чунки канани қўлда териш, ўлдириш мумкин эмаслигини билмасликларини жабрланган беморлардан сўраш пайтида аниқланган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бошқа вирусли касалликлар каби ушбу касалликда ҳам даволаш бирмунча қийин кечади.

Бир нарсани эсдан чиқармаслигимиз керак, иксод каналари табиатнинг бир бўлаги ва уни бутунлай йўқ қилишнинг иложи йўқ, бундан ташқари, бу каналар ниҳоятда чидамли бўлиб молхона девори тирқишида ўн йилгача оч ухлаши исботланган.

Касалликка қарши курашнинг муҳим чора-тадбирлари унинг манбасини аниқлашга, ўз вақтида зарарсизлантиришга ва касаллик юқтирувчи йўл ҳамда омилларнинг бартараф этилишига қаратилади.

Каналарни йўқ қилиш учун уй ҳайвонлари териси йилнинг март ойидан сентябрь ойигача қадар ҳафтада бир марта хлорли бирикмалар билан махсус ишловдан ўтказилиши лозим.

Яна бир кичик эслатма! Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасига мувофиқ:

Ҳайвон эгалари чорвачилик биноларида ва бошқа объектларда дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишларини ўз вақтида ўтказишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган.

Тиббиёт ходимлари ва беморларни парвариш қиладиган ходимлар ҳамда беморлар яқинларининг касалланишига йўл қўймаслик катта аҳамият касб этади. Бунинг учун улар дока ниқоб, резина қўлқоп ва тери ҳимоя кийимларида (халат, костюм ва ҳ.к.) бўлишлари керак.

Ушбу соҳада Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан соғлиқни сақлаш, ветеринария, ички ишлар ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Қрим-Конго геморрагик иситма ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликлар билан курашиш нафақат тегишли хизматларнинг вазифаси, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг ҳам ишидир.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Танлов

# Финал босқичига

## йўлланма

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари иштирокида "Тафаккур синовлари" республика кўрик-танловининг учинчи саралаш босқичи ўтказилди.**

Олий таълим муассасаларининг бир қанча жамоаларидан иборат ўзаро беллашувда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг "Ирригатор" ва Тошкент аграр университетининг "Агро ислоҳотчи" жамоалари ғолибликни қўлга киритди. Республика кўрик-танловига йўлланма олган ушбу ғолиб жамоалар энди ҳал қилувчи финал босқичида яна бир бора ўз билим ва иқтидорини намойиш этиш имкониятига эга бўлди.

**Аброр БЕРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими**

Таҳририят почтасидан

# Миннатдорчилик мактуби

***МЕН, Денов туманидаги И.Тўраев номли С.И.У. Қорахон маҳалласида истиқомат қилувчи Алланазаров Абдувосид ишлаётган ишимдан ташкилотнинг собиқ раҳбари томонидан ноҳақ бўшатиб юборилганлигим сабабли ёрдам сўраб "Инсон ва қонун" газетасига мурожаат этишга мажбур бўлган эдим. Менинг мурожаатим беэътибор қолмади, аввалги иш вазифамга қайта тикландим ва мажбуран бекор юрган вақтим учун ҳам қонуний тўловлар берилди. Шу муносабат билан таҳририятга, сиз орқали Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига ҳамда Денов туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидаги масъул ходимларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман.***

**Абдувосид АЛЛАНАЗАРОВ,**
**Денов тумани**

Эълонлар

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Конуни 16-моддаси, биринчи қисмининг еттинчи банди, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 6 майдаги 02-сонли қарори ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 майдаги 176-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Фарғона адвокат сервис" адвокатлик бюроси адвокати Гайназаров Акбарали Исраиловичнинг *(лицензия FE №000073, 03.06.2009 й., адвокатлик гувоҳномаси №260, 30.01.2013 й.)* адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 6 майдаги 02-сонли қарорига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 майдаги 170-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Фар одил инсон ҳимоячиси" адвокатлик ҳайъати адвокати Файзуллаев Юсуф Мухтаровичнинг лицензиясининг амал қилиши *(лицензия 05.06.2009 йил FE №000107, адвокатлик гувоҳномаси №157, 02.07.2009 й.)* ва адвокат мақоми 6 ой муддатга тўхтатилди.

Ибрагимов Азамат Бахадирович "Jaloladdin Manguberdi himoyachilari" адвокатлар ҳайъатига кирганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 16 майдаги 140-ум-сонли буйруғи билан тикланди.

* * *

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 16 майдаги 141-ум-сонли буйруғига асосан "Ҳақиқат ҳимоячиси" адвокатлик фирмаси адвокати Султанбай Раҳмановга бошқарма томонидан 2009 йил 10 июнда HZ 000050 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 16 майдаги 142-ум-сонли буйруғига асосан "Абдалимов Шероз Ўсарбоевич" адвокатлик бюроси адвокати Абдалимов Шероз Ўсарбоевичга бошқарма томонидан 2013 йил 26 мартда HZ 000133 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2016 йилнинг 26 апрелидан 2 ой муддатга тўхтатилди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 19 майдаги 145-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2009 йил 10 июнда "Jaloladdin Manguberdi himoyachilari" адвокатлар ҳайъати адвокати Атажанова Сапаргул Сабуровнага HZ 000018 рақам билан берилган, "Shovot adolat nuri" адвокатлик бюроси адвокати Абдуллаев Нормат Ражаповичга HZ 000032 рақам билан берилган ва "Advokat Tamaeva" адвокатлик бюроси адвокати Тамаева Рузанья Киямовнага HZ 000072 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик мақомлари тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисидаги" Қонуни 16-моддасига асосан "SABR-QANOAT RGQ" адвокатлик фирмаси адвокати Палванов Камил Раджапбевичга вазирлик томонидан 2012 йил 12 октябрда берилган QR №000143-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 16 майдаги 141-ум-сонли буйруғи билан тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 15-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 26-банди ижроси ҳамда Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 11 майдаги 92-ум-сонли буйруғига асосан Термиз шаҳридаги "Мадад" адвокатлик фирмаси раҳбари Саидқулов Шокиржон Курбановичга бошқарма томонидан 2011 йил 14 мартда берилган SU 000120-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2016 йил 26 апрелдан 3 ой муддатга тўхтатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 12 майдаги 23-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "Malakali himoya" адвокатлик ҳайъати адвокати Қобилов Олим Очиловичга 2009 йил 4 июнда берилган GZ 000043-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2009 йил 18 октябрда берилган 067-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.



Мулоҳаза учун мавзу

# “Тармоқ”лардаги “қармоқ”лар



## Уларга илинаётган айрим ёшлар хусусида

**ИНТЕРНЕТ ҳақида гапирганда, унда ёшларнинг турли соҳадаги ютуқлари, шу билан бирга муаммолари ҳам кўз олдимизда гавдаланади. Одатда, касал одам оғриётган жойини айтиб ноligани каби биз ҳам айрим ёшларимизнинг ижтимоий тармоқлардаги бемаънигарчиликларнинг қули бўлиб қолаётгани ҳақида мулоҳазалар билан сизга мурожаат қилмоқчимиз.**

“Instagram”, “Twitter”, “Facebook”, “В контакте” каби ижтимоий тармоқларда ёшларимиз жуда фаол. Эътибор берган бўлсангиз, “оммавий маданият” сиртмоғига илинган ўсмир йигит-қизлар руҳиятидаги ғаройиб ўзгаришлар бежиз эмас. “Ёшларимиз тарбияси бузилиб кетмоқда, нима қилмоқ керак?” Тарихчи Геродот Миср эҳромларини зиёрат қилаётиб, “Шоҳлар водийси”даги эҳромда ушбу сўзларни кўриб ҳайратланган экан. Жуда кўҳна бу сўзлар ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаганки, эндиликда замоннинг шиддати билан турли янгиликларни, шу билан бирга бизга номуносиб бўлган иллатларни ҳам ўзига юктираётган ёшларимизнинг бугунги тарбияси одамни анча ўйлантириб қўяди.

Хўш, улар “оммавий маданият”дан нимани юқтирмоқда? Айтиш мумкинки, худбинликни, лоқайдликни, эътиборсизликни, хиёнатни... Вафо, садоқат, ҳаё, ибо, инсоф, саховат каби жамики эзгу тушунча ва амаллар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Олайлик, “оммавий маданият” худбинликни қандай таърифлайди? Ўзи учун яшаб қолиш, оила учун қайғурмасликни яхши одат сифатида таърифлайди. Миллий маданиятимизда эса биламизки, бунинг акси. Ёки хиёнат тушунчаси эркинлик белгиси, кечирилиши керак бўлган иш сифатида тарғиб қилиниши бизнинг ҳеч бир қолипимизга мос тушмайди.

Агар ёшларимиз машҳур китобларни қўлдан қўймай ўқиса, айниқса, манқурт Жўломоннинг аянчли тақдири уларга сабоқ бўлса, бу даражада фикрсизлик уммонига шўнғиб кетмаган бўлармиди, деб ўйлаб қоласан киши. Фикрсизлик оқибатида тобе бўлиш — куч билан бўйсундирилгандан кўра, минг чандон фожиали эканлиги ҳақидаги ўлмас ҳақиқатдан улар огоҳ бўлишлари керак, албатта. Ўзини ҳимоя қила билиш, яъни мафкуравий иммунитетга эга бўлиш зарурлигини бугун замон тақозо қилмоқда.

* * *

Булунғурлик Жиззах политехника институтида таҳсил олаётган Санжар (исмлар ўзгартирилган) эндигина ўқишга кирган кезларида, интернет уни ҳам ўз қармоғига илинтирди. У ҳозир 3-босқичда. Ўзига тўқ оиладан. “Одноклассники”да Маҳлиё билан танишиб қолганди. Хуллас, интернетдаги танишувдан сўнг улар учрашиб ҳам турадиган бўлишди. Мана, улар икки йилдирки, (“День Валинтин”ни) севишганлар кунини алоҳида “эҳтиром” билан кутиб олишади. Ўтган йили Маҳлиё арзон совға харид қилганидан жуда хижолат бўлган эди. Бу йил эса бошқача тайёргарлик кўрди. Йигитига қимматбаҳо қўл соати туҳфа қилмоқчи бўлди.

Энг қизиғи, улар бу байрамни уч кун олдин жуда қизғин бошлаб юборган эди. Санжар қизни Зоминга таклиф қилди. Маҳлиё кўнгли бўш онасининг тақиқларидан осонгина — дугонамникига икки кунга айланиб келаман, деб қутулди. Қизининг дугонасиникига бормаганидан хабар топган она ҳамма жойга телефон қилиб қизини излади.

Маҳлиё Зоминдан қайтиб, турли баҳоналар билан онасини тинчлантирди. 14 февраль куни эрталаб Маҳлиё ресторанда официант бўлиб ишлайдиган дугонасидан қарз олиб, дўкондан Санжарга аталган қимматбаҳо соатни харид қилди.

Бир-бирининг дийдорига тўймаган ушбу жуфтлик ўша куни гавжум шаҳарда яна пайдо бўлишди. Улар дастлаб “Истиқлол” истироҳат боғида айланиб баланд самолар бағрида телефонда суратга тушишди. Санжар шаҳар марказидаги муҳташам “Бриллиант” ресторанига буюртма бериб, алоҳида хона банд қилиб қўйган экан. (Ўтган йилги байрамда яхши жойлар банд бўлганлиги сабабли улар очилиб-ёзилишиб ўтиришолмаган эди). Тушлик пайти ушбу хонага кириб келган Маҳлиё байрам столига қараб лол қолди.

Ўша куни ресторанни банд қилиб ўтирган бошқа жуфтликлар ҳам бу тантанани худди шунга ўхшаш тарзда “кутмаган”, дея оламизми?! Йўқ. Ҳатто бундан ҳам “қизиқроқ” ўтказишган бўлиб чиқар...

Ғарб турмушидаги бемаъни манзара, уларнинг чинакам қадриятига айланган бу байрамнинг моҳиятида ҳеч қандай нафосатни, заррача бўлсин ҳаёга йўғрилган қадриятни, чуқур пинҳона муҳаббатни илғай олмайсиз. Аксинча, миллатимизга ёт бўлган бегона ва бемаъни унсурлар қалашиб ётибди унда.

Гапирсангиз гап кўп. “Нима қилмоқ керак?” деган савол қаршисида ўйлаб қоласан киши. Ёшларни биров четдан келиб, бу ёмон йўлдан қайтариб бермайди, албатта. Бунга ўзимиз жавобгармиз. Яъни, ота-она, ўқитувчи, маҳалла оқсоқоли, раҳбар, энг муҳими, одам сифатида ёшлар тақдирига масъулмиз. Уларни “тармоқ”даги “қармоқ”лардан асрайлик!

**Шоди ОТАМУРОД,**
**журналист**



# Ҳуқуқий маслаҳатхона

**— АМАКИМ махфий васиятнома расмийлаштирганлигини ва унда менга ҳам баъзи нарсаларни мерос қолдирганлигини, лекин буни ҳозирча ошкор қилмаслигини айтди. Айтинг-чи, мен фақат ўзимга тегишли мерос ҳақида маълумот олишим мумкинми?**

**Э.ШОКИРОВ, Тошкент вилояти**

— Йўқ, албатта. Чунки васиятнома ҳам бошқа нотариал ҳаракатлар сингари сир сақланиб, унинг ошкор этилиши тақиқланади. Кейинчалик васият қилувчи томонидан васиятномага ўзгартиришлар киритилиши ва бекор қилиниши ҳам мумкин. Лекин бу маълумотлар ҳам сир сақланиши лозим. Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан васиятномадан хабардор бўлиб қолган шахслар ҳам ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мумкин. Бундай васиятнома махфий васиятнома дейилади. Махфий васиятнома васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, уни шахсан имзолаши шарт. Бу васиятнома нотариус ҳамда 2 гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилияларини, исм-шарифларини ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўядилар. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу конверт гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиниб, елимланади.

**Саволга Зангиота туман давлат нотариал идораси нотариуси**
**Гўзал ХОДЖАЕВА жавоб берди.**

* * *

**— ЁШИ етмишдан ошган бир қўшнимиз кўз касаллиги туфайли иккинчи гуруҳ ногирони. Яқинда у мени чақириб, бир хонали уйини набирасига васият қилмоқчи эканлигини билдирган ҳолда нотариусга олиб боришимни ва васиятномани имзолашимни сўради. Шу тўғрими?**

**Холида МАЖИДОВА, Наманган шаҳри**

— Албатта, бу ҳаракатнинг қонуний асослари мавжуд. Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига кўра, агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Аммо нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, невcovаралари ва чеваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар, саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар, ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас.

**Саволга Поп туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Элнора АЗБЕКОВА жавоб берди.**

**— АВТОТРАНСПОРТ воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан бериладиган ишончномаларни расмийлаштириш ва уни бекор қилиш тартиби қандай?**

**А.УМАРОВА,**
**Сирғали тумани**

— Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончномаларни тасдиқлаш автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади. Тақиқ ва хатловнинг йўқлиги ҳақидаги маълумот беш кун муддатда амал қилади.

Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончнома бекор қилинган тақдирда, нотариус унинг бекор қилинганлиги ҳақида мулк рўйхатдан ўтказилган жойдаги тақиқ ва хатлов базасини юритувчи давлат нотариал идорасига (ишончнома бўйича тўлиқ маълумотлар билан) зудлик билан хабар бериши лозим.

**Саволга Сирғали туман 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси**
**Холида САИДОВА жавоб берди.**

**— ЯҚИНДА бир ҳужжатимни нотариусга тасдиқлатиш учун боргандим. Матндаги хатони ўчиргандим. Нотариус бу ҳужжатни қабул қилмаслигини айтиб, ҳужжатни тўғрилаб ёзиб келишим кераклигини айтди. Айтинг-чи, қандай ҳолатларда нотариус нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳужжатларни қабул қилмаслиги мумкин?**

**О.АЛИМОВ,**
**Тошкент вилояти**

— “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага мувофиқ:

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳужжатлар қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варақларда баён этилиб, варақлари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.

**Саволга Пскент туман нотариал идораси нотариуси**
**Умид НИЁЗОВ жавоб берди.**

Реклама ўрнида

# “Нотариал ҳаракатлардан намуналар”

## китоби нашрдан чиқди



**ЯҚИНДА “Адолат” нашриётида “Нотариал ҳаракатлардан намуналар” номли китоб нашрдан чиқди. Ушбу тўплам нотариусларнинг иш фаолиятида қўллаш учун мўлжалланган.**

Мазкур тўплам нотариал ҳаракатларнинг умумий кўринишини ўзида намоён этади ва нотариусларнинг иш жараёнида қўлланиладиган ҳужжатларнинг намунавий шаклини ўзида акс эттиради. У қонун ҳужжатларига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар асосида тузилган бўлиб, амалиётда кўплаб учрайдиган намунавий лойиҳалардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, шунингдек, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Конституциямиздаги ушбу кафолатлар мулкий муносабатларнинг ривожланишига хизмат қилиб, нотариал тасдиқланиши лозим бўлган битимлар тузиш заруратини вужудга келтирди. Бу жараёнда эса шартномаларнинг тўғри ва белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилиши, уларнинг вақтида ижро этилишини таъминлашда нотариат институти муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунига асосан нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник хизматларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи институт ҳисобланади.

Бу орқали нотариат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда нотариат соҳасини янада такомиллаштириш, унинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишда етарли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, нотариал фаолият Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Оила кодекслари, “Нотариат тўғрисида”ги Қонун ва 60 дан ортиқ бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Нотариат фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тизимини изчил такомиллаштириб бориш ва нотариал идоралар томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик ташаббуси билан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур “Нотариал ҳаракатлардан намуналар” тўплами ҳам вазирлик томонидан олиб борилаётган ижобий ишларнинг изчил давомидир.

Нотариат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб кейинги йилларда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан нотариус лавозимига кадрлар танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарликни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддати бир йилга қисқартирилди. Нотариуслар уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши лозимлиги шарт қилиб белгиланди.

Адлия вазирининг 2014 йил 15 августдаги “Аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи қабул қилиниб, бугунги кунда жойларда аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунлари ташкил этилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон калькулятор дастури яратилди. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслар аниқ нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар миқдори ҳақида олдиндан билиш имконига эга бўлишди.

“Нотариал ҳаракатлардан намуналар” тўплами нафақат соҳа ходимлари, балки фуқароларимиз учун ҳам зарур қўлланма ҳисобланади. Фойдаланувчилар учун қулай томони эса китобнинг электрон кўриниши ҳам унга илова қилинган.

**Шавкат БАХРАНОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган “Адолат” нашриёти давлат корхонаси обуна бўлими бошлиғи**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Усманов Анвар Акрамович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Очилов Алижон Мухлисович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 21857. Буюртма S-6088.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуна бўлими: 268-19-97
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5